

ЁШЛАР ВА ТАЛАБАЛАР ФЕСТИВАЛДА БЕЛЛАШИШДИ




Кунни-кеча Тошкент давлат аграр университети Термиз филиалида талаба ҳамда уюлмаган ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида “Миллий ўйинлар – саломатлик гарови” шиори остида “Директор кубоги” учун “Миллий таомлар ва миллий ўйинлар” фестивали ўтказилди.


Фестивалда таълим муассасаси талабалари билан Термиз туманида жойлашган “Янгиобод”, “Нурафшон”, “Янгиер”, “Орол”, “Халқабод”, “Ат-Термизий”, “Қўнғирот” маҳалла фуқаролар йиғинларидан 100 дан ортиқ уюлмаган ёшлар иштирок этишди.

Қизғин ва мурасасиз кечган танловларда ғолиб ва совриндорлар филиал раҳбариятининг диплом ва эсталик совғалари билан тақдирланишди.









Термиз туман ҳоқимлиги
Ахборот хизмати